

Туркистон мухторияти... Темур хоконининг чин болалари ёнинда, туркистонли тубчак турклари орасинда, мундан ўгурли, мундан мукаддас, мундан суюнчли бир сўзни борлигига ишонмайман.

Туркистон туркининг конини кайнатгучи, имонини юксалтгучи бир кувват бор эса, ёлгуз шу сўзда бордир: Туркистон мухторияти.

Элли(к) йилдан бери эзилдик, тахкир этилдик, кўлимиз богланди, тилимиз кесилди, огзимиз копланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, - номусимиз гасб килинди, ҳукукимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди, тўзимли турдик, сабр этдик.

Кучга таянган хар буйругга бўйинсундик, бутун борлигимизни кўлдан бердик. Ёлгиз бир фикрни бермадик, яшрунтурдик, эмгакларимизга ўраб сакладик: Туркистон мухторияти! Махкама эшикларидан йиглаб кайтганда, ёруксиз турмаларда ётганда, йиртгучи жандармнинг тепгуси билан йикилганда, юртларимиз ёндурулганда, диндошларимиз осилганда онгимиз йўқолди, миямиз бузилди, кўзимиз ёгдусиз колди, бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда, тушкун рухимизни кўтармак учун шул коп-коронгу дунёнинг узок бир еринда ойдин бир юлдуз ялкиллаб тура(р) эди. Бирор нарсага ўгмаган кўзимиз шуни кўрар эди. Ул нима эди? Туркистон мухторияти!

Биз аник била(р) эдикким, золим Николай ҳукумати канча яшарса яшасун, адолат ошики бўлган... рус демократияси, ҳақга таянган бир инкилоб, хар миллатнинг ўз ҳақларини кайтарур.

Инкилоб бўлди. Русиянинг «кўшма халк жумҳурияти» усули билан идора этилури жарланди. Шул эълон узра ясалган Украина, татар ва бошқа миллатлар мухториятлари тасдик этилди. Кўнук Туркистонники эди. Туркистоннинг тарихий хонбаликлариндан иккинчиси бўлган Хўканд шаҳринда тўпланган Туркистон курултойи 27 нўябрнинг «миллий лайлатуркадримиз бўлган» ярим кечасинда Туркистон мухториятини эълон килди.

Лекин шуниси борким, бир миллатнинг мухторияти ёлгуз бир съезднинг эълони билан тамом бўлмас. Мухториятни олмок ва сакламок керакдир. Съезд ўз ишини килди.

Колганлари бутун миллатнинг вазифасидир. Мухториятни сакламоқучун куч лозим.

Мухториятни бажармоқучун акча керакдир. Буларни миллат ҳозир килсун.

Абдурауф Фитрат